

УСТОЗИМ ҲАҚИДА ЁКИ АЙТА ОЛМАГАН ДИЛ СЎЗЛАРИМ

Соатова Нодира Исомиддиновна,
ЖДПИ доценти, филология фанлари номзоди

Авваломбор тақдири илоҳий инъоми туфайли, менга илм йўлида Саидбек Ҳасановдек бир инсон раҳбарлик қилганидан, шундай мўътабар беназир инсонга шогирд бўлганимдан Аллоҳга беадад шукроналар айтаман.

Бугунги кунда филология фанлари доктори, профессор Саидбек Рустамович Ҳасанов хотирасини эъзозлаш ва қадрлаш мақсадида нашр қилишга тайёрланадиган бу китобни тўплаш ва нашрга тайёрлаш шогирдлари қаторида менга ҳам насиб этганидан қанчалик ғурурлансам, Устозим орамизда йўқлигидан шу қадар изтиробга тушаман. Қанийди, шундай тантали кунда биз шогирдлари, фарзандлари, қолаверса илм фан ривожини учун Устозим ҳаёт бўлсалар...

Лекин ўксик кўнглимга бир нарса таскин беради. У ҳам бўлса, Устозимнинг барчани кўнглидан бирдек жой ололганлиги, ибратли ҳаёти, эзгу ишлари билан ўзидан катта бир боғ қолдира олгани, илмда фидойи, оилада меҳрибонлиги, шогирдларига самимийлиги, беғараз, беминнат яхшилиги билан ҳурмат қозона олганлиги, бир сўз билан айтганда Устозимни мангуликка дахлдор инсонлардан бири эканлиги юрагимга осойишталик ва фахр туйғуси индиради.

Менинг нақадар ҳақ эканлигимни юқоридаги эътирофлар ҳам кўрсатиб турибди. Лекин шундай бўлса—да, буларнинг барчаси менга нимагадир камдай кўриनावерди, шу боис мен ҳам кўлимга қалам олиб, Устозим ҳақида ёзишни, улар ҳаётлигида айта олмаган ўз дил сўзларимни изҳор этишни хоҳладим.

Лекин, тўғриси бу ишни уддалаш менга осон бўлмади. Шу кунгача бир неча устоз ҳамкасбларим ҳақида хотира ва мақолалар ёзганман. Устозим ҳақида ёзиш, ёзганда ҳам топиб ёзиш кўлимда келармикан? Шу ўй мени бироз чўчитди. Чунки, у кишини гўзал сифатларини қанчалик кўп санамайлик, адоғига етиб бўлмасликни ҳис этган ҳолда баъзиларини қоғозга туширишни лозим топдим.

1988 йил Жиззах давлат педагогика институтини битирувчи курс талабасиман. Битирувчиларга Давлат аттестация комиссияси раиси сифатида Саидбек Ҳасанов (Устозимни шунда биринчи бор кўрганман) ташриф буюрган. Ҳаммамизда ҳаяжон, пойтахтдан келган олимни олдида имтиҳон топшириш маъсулияти барчамизни, қайсидир маънода чўчитган. Ҳеч ким кириб, биринчи бўлиб диплом ишини ҳимоя қилишга юраги бетламайди. Буни сезган Саидбек Ҳасанов кулиб, қани бошлаймиз, менга шогирд тушаман, Тошкентга бораман деганлар борми, дедилар. Саидбек Ҳасанов юзидаги табассум, самимийлик менга куч бердим, ҳимоя қилишга чиқдим—у, бироз каловланиб, жим қолдим... Шунда ним кулиб: “эй, ўзимни шогирдим, шу қиз экан—да” дедилар. Тўлқинланиб гапира кетдим, қандай гапирдим, саволларга қандай жавоб бердим, билмайман. Фақат бир нарса “мавзуни

давом эттирасизми? Шогирдликка ўзимга боринг” деганлари ёдимда муҳрланиб қолди.

Қаранки, улуғларни оддий гапига ҳам фаришталар “омин” дер экан. Институтни битиргач, турмушга чиқиб фарзандли бўлдим, институтга қолиш тугул, Тошкентга кетиш ҳам насиб этмади. Мактабда 6 йил ўқитувчилик қилдим, тақдир тухфаси ила, институтда ўқитган устозларимни таклифи билан 1994 йил институтга ишга кирдим. 1997 йил, орадан 9 йил ўтиб, раҳматли биринчи устозим (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Олимжон Жўраев бундан буён илмий ишимни Саидбек Ҳасанов раҳбарлигида давом эттиришни маслаҳат бериб, уларни олдиларига бошлаб бордилар. Устозимни кўзларида, ўша биринчи бор кўрганимдек, самимият меҳр барқ уриб турарди.

–*Яхши, илм қиламан деган хоҳишингиз яхши, лекин бу осон эмас, фарзандларингиз борми? Оила, иш, илм қилишга қийналиб қолмайсизми?*

–Ҳам иккита дедим (унда фарзандларим 2 та эди), улар катта бўлиб қолишган, мактабга чиқишган, орқасидан шоша–пиша удалайман деганимни биламан, “унда сизга раҳбар бўлганим бўлсин” дедилар. Қайси мавзуни берасиз деган саволимга (аслида илмий ишим олдиндан режалаштирилган эди) “илмий ишни сиз ёзсангиз, ўзингизга ёққанини танланг–да” дедилар. Шунда мен Алишер Навоий анъаналарини Абдулла Қодирий ижоди мисолида ўрганмоқчи бўлганимни айтдим. “Жуда яхши, ўрганаверинг” дедилар. Мен хайрон бўлиб қолдим, шунчалик бу мавзуни ишлашга осон кўнганларидан. Мендаги ўзгаришни сездиларми “нима муаммо?” деб сўраб қолдилар. Шунда мен “бу иккала ижодкорни қиёсий ўрганиб бўлмайди” деб айтишган эди десам. “Ўзингиз нима деб ўйлайсиз” деб сўрадилар. Менимча, бу мавзуни ўрганса бўлади десам, “бўлди–да, сиз шуни исботланг, илмингиз ана шунда кўринади” дедилар.

Ҳаммадан қизиғи ҳеч қандай расмиятчилик, қоғозбозлик ишлари бўлмади. Жиззахга қайтар эканман, ишониб–ишонмай диссертация мавзусини олиш, раҳбар розилиги шунчалик осон бўлиши мумкинлигини хаёлимга келтира олмай, ажабланишимни яшира олмаганимни кўрган устозим Олимжон Жўраев “мен сизни шундай ажойиб раҳбарга шогирдликка бердим–ки, ҳали кўп ҳайратга тушасиз” дедилар.

Ҳақиқатдан ҳам ўтган йиллар давомида, устозимни бағрикенг, олижаноб инсон эканлигига кўп бора шоҳид бўлдим. Бунга жуда кўплаб ҳаётий воқеаларни келтиришим мумкин, айтсам адоғига етиб бўлмайди. Мана шулардан бири.

Номзодлик ишини қилиш, табиийки Тошкентга келиш, кутубхоналарга ўтириб ишлашни талаб қилади. Мен бўлсам Жиззахда ўқиганим боис Тошкентни яхши билмайман. Бор йўғи Жиззахдан Собир Раҳимов (ҳозирги Олмазор) метросига келиб тушиш ва А.Навоий метросидан музейга бориш. Музейга боргач, Жиззахлик Жалолиддин Жўраевни хонасида ўтираман, унинг ишлари тугашини ва иши битгач мени кутубхонага олиб боришини кутиб, шунда хонага бир ишни бажаришини айтиш учун кириб келган (ўшанда яна бир марта ҳайратга тушганман, қўл остидаги ходимни хонасига чақириб буйруқ бермай, ўзи кириб келган раҳбарни кўриб) Устоз илмий

ишим қай даражада эканлигини сўрай туриб, нимага ўтирганимга кизикдилар. Шунда хижолат тортиб, шаҳарни яхши билмаслигимни, кутубхоналарни ўзим топиб бора олмаслигимни, ийманибгина, айтдим. Шунда Устоз Жалолиддинга *“опанг билан бор, бир ўзи юрмасин адашиб”* дедилар. Айтган ишингизни қилаётган эдим дейиши билан, *“кейин қиласиз, аёл киши маҳтал бўлиб ўтирмасин”* дедилар. Қаранки, қандай бағрикенглик, ўктамлик, бир вилоятдан келган шогирди учун, ўзларини ишларини ҳам четга суриб, шунчалик мурувват кўрсатиш...

Шундан кейин мен Тошкент кўчаларини, хусусан, кутубхоналарни Устозимни марҳамати, Жалолиддинни кўмаги билан яхши билиб олдим. Лекин шунга қарамай, қачон музейга борсам, Устозим Жалолиддинга *“опанг келибди, қаерга борса бирга юринглар”* дейишни канда қилмадилар. Энди ўзим бора оламан, Жалолиддинни ишдан қолдирмай десам, *“аёл киши бегона шаҳарда ёлғиз юрманг, ишини бошқа кун қилаверади”* дердилар. Устозим сиймосида отани қизига бўлган меҳрини туйганман. Ота қизини қанчалик яхши кўриб уни қанчалик асраса, Устозим ҳам мени шунчалик асраганларини юракдан ҳис этганман. Ва бу учун ул Зот олдида ўзимни доимо қарздор ҳис этаман. Тўғриси айтсам, қанчалик мақтамай, Устозимни мақташга тил ожиз. Ҳа менинг Устозим шундай буюк, беназир инсон эдилар. Бунга ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин.

Кунлардан бир кун турмуш ўртоғим раҳбарим билан танишгани мен билан бирга Тошкентга келдилар. Уларни таништирдим, турмуш ўртоғим *“бир пиёла чой устида суҳбатни давом эттирсак”* деб кўярга қўймай туриб олдилар. Шунда Устозим: *“Тошкент жуда қиммат, бўпти бораман, лекин ўзим жойни танлайман”* дедилар ва қаранки нархи бошқа жойлардан анча арзон жойга бошлаб бордилар. Чой устида жуда қизғин суҳбат бўлди, Устозим турмуш ўртоғимга илм қилишим учун шароит яратиб берганлиги маъқуллаган ҳолда, гап орасида, мени асраб–авайлашни қистириб ўтдилар. Аёл эркакни ярми бўлишини, ярмиси яшаш оғирлигини ўзлари мисолида айтиб, минг афсус надомат ила: *“қанийди аёлим ҳаёт бўлганда, мендан бахтли инсон бўлмасди, уни бошимга кўтариб юрар эдим”* дедилар. *“Аёл нозик елкасига оғир юкни, фарзандлар тарбиясини, улар келажагини таъминловчи кучни кўтариб юрар экан. Улар бўлмаса мана шу юк бизнинг зиммамизга тушар экан. Мен шу юкни йиллар давомида, менга билдирмай, миннат қилмай кўтариб юрган Аёлимдан миннатдорман”* дедилар ҳазин оҳангда. Мен уларни ҳеч ҳам бу аҳволда кўрмаган эдим. Шунда мен яна бир бор Устозимни оилапарвар, вафодор турмуш ўртоқ эканликларини гувоҳи бўлдим. Чой устидаги суҳбат тугагач, стол устидаги нарсаларни хизмат қиладиган қизни чақириб, пакетга солдирдилар ва мени кўлимга бериб, *“набираларимга олиб боринг”*, дедилар. Энг ажабланлариси катта ўғилларини чақириб, бизларни қаршилигимизга қарамай, манзилга машина билан (турмуш ўртоғим ўша пайтда Зангиотада ишлардилар) олиб бориб қўйишни тайинладилар. Манзилга етиб келгач, турмуш ўртоғим хайратларини яширмадилар, *“сен ўзингга Тошкентдан устоз эмас, ота топиб олибсан–ку. Худди отангдек меҳрибон яхши инсон экан”* дедилар. Ҳа,

бу гапга кўшилмай иложим йўқ, чунки улар билан ишлаш жараёнида буни кўп бора ҳис қилганман.

1999 йил декабрь ойида “А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида эпик тасвир анъаналари” 10.01.03 Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёт тарихи) мавзусидаги номзодлик ишимни “Ўзбек тили ва адабиёти институти”га муҳокамага олиб бордим. Ишни ўқиган Улуғбек Ҳамдам ва бошқа олимлар, мавзуни ҳимояга тавсия этишни билдирган ҳолда таклиф киритишди—ки, ишни тенг ярми XX аср адабиётидан, шунинг учун яна бир шифр 10.01.02 Ҳозирги миллий адабиёт (Ўзбек адабиёти) берилиши ва илмий маслаҳатчи олиш кераклигини айтишди. Шундан кейин ўша йиғилиш қарори билан менга илмий маслаҳатчи тайинлашди.

Во дариф, тайинланган илмий раҳбарга ишимни кўрсатиш учун камида 6–7 марта Тошкентга келиб кетдим, натижа бўлмади, ҳар сафар бирон баҳона билан ишимга бир қур назар солмай жўнатиб юборади. Ўшанда мен яна бир бор, Аллоҳнинг инояти билан, Устозим Саидбек Ҳасановлек инсонга рўпара бўлганимдан шукроналар келтирдим, чунки Устоз юқорида айтганимдек, ишимни ўқишга кўрсатгани олиб келганимда, ўзларини ишларини четга суриб, дарров кўриб берар эдилар.

Мени сарсон бўлиб юрганимни орқаворотдан эшитган, Устозим мени чақириб нима гаплигига қизикдилар ва музейни юқориги қаватида филология фанлари доктори Наим Каримов ўтирганликларини, уларни олдига кириб, *“сарсон бўлиб юрганлигингизни, агар илмий ишингизга маслаҳатчиликни ўзларига олмасалар, ҳимоя қилмасдан ташлаб кетишингизни айтинг”* дедилар. *Шунда қўрқиб кетиб, “шунча меҳнатим зое кетадимми?”* десам. *“Йўқ, Наим ака яхши инсон, шундай десангиз, ўзлари маслаҳатчи бўлади, ишингиз осон кўчади”* дедилар.

Устозимни айтганлари рост экан, арзимни эшитган Наим Каримов ўша пайтни ўзидаёқ менга бириктирилган маслаҳатчи олимга телефон қилиб, 8 ойдан буён қийналганимни айтиб, уни розилиги билан ўзлари ишимга маслаҳатчи бўлишларини айтдилар.

Аллоҳ Устозимдан рози бўлсинки, Наим Каримов ўша заҳотиёқ режаларимни кўриб, маъқуллаб, айрим таклифлар бердилар. Шу аснода ишни қайтадан сўнгги нусха тайёрлаб келишимни айтдилар. Шу билан мени саккиз ойлик сарсонгарчиликларим барҳам топди, номзодлик ишимни мувафқиятли ҳимоя қилиб олдим.

Тошкентга йўлим тушиб, музейга Устозимни олдига борсам, доим бир гапни айтишни қанда қилмасдилар: *“Наим Каримовни кўрдингизми, аввал уларнинг олдига киринг”*. Қаранг қанчалик камтаринлик, одамийлик. Устозим нафақат буюк олим, ҳақиқий инсонпарвар чин инсон эдилар.

Ҳозирги кунда илм йўлида нимага эришган бўлсам, нафақат мен, балки синглим (ҳозирда у ҳам фан номзоди, доцент) ҳам бениҳоят Устозимиздан миннатдормиз. Аллоҳ уларни жаннатий қилган бўлсин! Гарчи улар бугун орамизда бўлмаслар—да, доимо қалбимизда яшайдилар! Отамдек меҳрибон Устозимни порлоқ хотираси олдида умрбод таъзимдаман!!!

*Устоз, бугун, Сизни, Отам дегим келди, Ота, Отажон!
Чунки Сизда кўрдим тўкис имон, ишонч, муҳаббат, меҳр.
Жавонмардлиг–у, илм учун фидойилик, туганмас сеҳр,
Ҳар нарсадан устун қўярдингиз эл корин улуғвор.
Таърифингиз учун сўз тополмай, Аллоҳимдан умидвор,
Қизингиздек сўрай, Беҳишт эшиклари бўлсин, Сизга, интизор!*

*Устоз, бугун, Сизни, Отам дегим келди, Ота, Отажон!
Бир боғбон эдингиз, ҳувиллаб қолди боғингиз бугун,
Шогирдларингиз йигилган, жамулжам, ҳаммаси тўкин,
Сиз учун ёзиқ эҳтиром, қанчалар бермасин фусун,
Бўзлайди кўнгул, улуғ кунда тополмай, азиз Инсонин,
Қизингиздек сўрай, доимо руҳингиз шодон–ла қувнаб юрсин!*

*Устоз, бугун, Сизни, Отам дегим келди, Ота, Отажон!
Илм чашимасида, Сиз бошлаган иш ёниқ нурдек ўчмас,
Амалларингиз давом этажак, ҳеч бир куч тўхтатмас
Музларни эритган баҳордек қалбимизда яшайсиз,
Тоза қалби дарёлигингизни нокасларда илғамас,
Сиздаги очиқлик улуғларга хосдир, шу боис ҳеч тугамас!*

Устоз, бугун, Сизни, Отам дегим келди, Ота, Отажон....